

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЯНГИ БИНО ИШ БОШЛАДИ

Шундай масканлар борки, унда инсонлар бахтли кунларини ҳужжатларга муҳрлайдилар. Оққўрғон туманида янги қурилган бинода ФХДБ бўлими иш бошлади. Энди туман аҳли тантанали маросимларни шу ерда ўтказишлари мумкин. Қувонарлиси, ФХДБ очилган кун янги ўраовлар оиласи рўйхатга олинди.

— Яхши ният билан биринчи қадамни қўйдик, — деди Санжар Ўраов. — Илоҳим ҳаётимиз шундай янгиликларга бой бўлсин, тинч, осуда юртда қўша қариш насиб этсин.

Муассаса барча зарур ашёлар билан таъминланган, замон талаблари асосида жиҳозланган. Эътиборлиси, бу ерда 4 киши муқим иш ўрнига эга бўлди.

— Қурилиш-монтаж ишларига 213 миллион сўм сарфланди, — дейди вилоят адлия бошқармаси нотариат, адвокат ва ФХДБ органлари бўлими катта маслаҳатчиси Руслан Собиров. — Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармаси ҳомийлигида иш бошлаган муассаса аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши шубҳасиз.

Ирода МАКСУДОВА.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.



ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

Конституциямизнинг 8-моддасида "Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади" дейилган. Бунинг амалдаги исботини ўз ҳаётимисолида кўриб турибман. Чунки миллатимиз туркман бўлишига қарамай, ўзбеклар юртида бахтли ҳаёт кечирмоқдаман. Ёшим 92 да. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Тақдир тақозоси билан Бекобод туманига келиб қолганимга ярим асрдан ошди. Шу ерда яшаб, ўзбек халқининг бағрикенглиги, миллат ажратмаслигига гувоҳ бўлдим. Бу халқ билан тўю маъракаларимиз бир, ҳатто, қандайдаси бўлиб кетганимиз.

Яна шу билан фахрланаманки, истиқлол йилларида биз, уруш қатнашчилари кенг имтиёзлар яратиб берилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг яқиндагина эълон қилинган Фармонларига асосан бир йилда бир марта ўзимиз хоҳлаган санаторий-соғломлаштириш масканида бепул дам олиб, даволаниш имкониятига эга бўлдик. Бундай ғам-хўриқдан ниҳоятда мамнунмиз.

Маълумки, Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Мамлакатда яшаётган оз сонли миллатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хусусида Конституциямизнинг 4-моддасида шундай дейилган: "Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъёналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши

учун шароит яратди". Шунингдек, "Сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда "Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, ижтимоий келиб чиқилиш, ижтимоий ва миллий маънавияти, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динига муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқини беради" дейилган.

Ушбу ҳуқуқимиздан фойдаланиб, мен ва фарзандларим 21 декабрь кунини ошди ва бағрикенг Ватанимиз тараққиёти ва фаровонлиги учун хизмат қиладиган муносиб номзодларга овоз бердим. Бу бизнинг миллатлараро товуқли ва барқарорлик ҳукм сураётган юртимизга чексиз ҳурматимиз ва миннатдорчилигимиз раъзи бўлади.

Аннаберди
АННАМУРОДОВ,
Иккинчи жаҳон уруши
қатнашчиси.

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Будапештда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Венгрия ҳукуматлараро комиссиясининг иккинчи йилги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда икки мамлакат вазирлиги ва идоралари, компания ва концернларининг раҳбарлари, ташқи иқтисодий алоқалар, молия-банк, иқтисодий, савдо-саноат, қишлоқ ҳўжалиги, фармацевтика соҳаси, озиқ-овқат саноати, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик ва бошқа тармоқларнинг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Тадбир чоғида томонлар икки мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолати ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар. Хусусан, икки томонлама товар айирбошлашни кўпайтириш, савдо-иқтисодий, сармоявий ва илмий-техникавий ҳамкорлик кўламлирини кенгайтириш юзасидан ҳар икки мамлакат бирдек манфаатдор эканлиги қайд этилди.

Йиғилиш яқунлари бўйича имзоланган Протоколда турли соҳа ва йўналишларда кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш тўғрисидаги келишув ўз ифодасини топди.

"Жаҳон" АА.
Будапешт.

Аёл ва жамият

Аёлга эҳтиром ҳар қандай давлатнинг истиқболлини, фарзандлар камолини белгилайдиган омилдир. Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги маънавияти, интеллектуал ва маънавий камолини юксалтириш, билим ҳамда касб-кор

эгаллаши, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётда фаол иштирок этиши, энг асосийси, ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга онд кенг қўламли ислохотлар шу эзгу мақсадларга қаратилган.

ОНАЛАР ЎЗБОЗЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК БАРҚАРОР

Истиқлол йилларида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, "Соғлом она — соғлом бола" дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Чунки, маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, репродуктив саломатлиқни асраш каби мавзуларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётган. Бунинг шарафати билан Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида

етақчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Жаҳон рейтингига мамлакатимиз ўсиб келаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнчилигига киритилди. Республика Инсон ҳуқуқлари миллий маркази билан ҳамкорликда бу соҳадаги

энг муҳим халқаро ҳужжат — БМТнинг хотин-қизларни камситишининг барча шаклларида барҳам бериш конвенцияси қондаларини амалга ошириш бўйича иккита миллий ҳаракатлар режаси иш-лаб чиқилиб, татбиқ этилди.

(Давоми 3-бетда).

НОМЗОД ВАКИЛИ МАҚОМИ

Сайловлар яқинлашгани сайин вилоят сайлов комиссиясида иш қизимиқда. Эрта тонгдан то кенгача бу ер одамлар билан гавжум. Газета таҳламлири, кўргазмали воситалар, адабиётлар ва

турли ҳужжатларнинг бари фақат сайловларга тааллуқли. Иш тигиз бўлишига қарамай, комиссия аъзоси Алишер Ҳудоберганов биз билан суҳбатлашишга вақт топди.

— Ишончли вакилни ваколатидан маҳрум қилиш ва уни бошқаси билан алмаштириш ёки унинг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишига йўл қўйилмайдими? — Депутатликка номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиш ва уни бошқаси билан алмаштириш мумкин. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли. У сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас. Сиёсий партия фаолиятининг тугатилгани депутатликка номзодни шу партиядан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

— Халқ депутатлари

вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод қандай ҳуқуқларга эга?

— Депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашган вақтда, ўртача ойлик иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан сакланган ҳолда, ишлаб чиқариш ёки хизмат вазибаларини бажаришдан озод бўлиш ҳуқуқига эга. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод рўйхатга олингандан кейин тегишли сайлов округи доирасида давлат йўловчи транспортнинг барча тур-

ларида (шаҳар йўловчилар транспорти, такси ва бошқа транспорт турларининг буюртма йўналишларидан ташқари) текнига юриш ҳуқуқига эга бўлади. Сайлов округидан ташқарида яшовчи депутатликка номзод ҳам сайлов округига келиш ва ундан турархўйига қайтишда шундай ҳуқуқдан фойдаланади.

— Депутатликка номзод номзодликдан воз кечиш мумкинми?

— Депутатликка номзод сайловга қадар истаган вақтда номзодликдан воз кечиш мумкин. Бунинг учун у тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири Хуршида ТУРСУНБЕВА суҳбатлашди.

Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ XXXVIII СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XXXVIII сессияси 2014 йил 10 декабрь кунини соат 10:00 да чақирилсин.

Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.
Тошкент шаҳри, 2014 йил 9 декабрь.

Бугун — Ўзбекистон
Республикаси Давлат
мадҳияси қабул қилинган кун

МУСТАҚИЛЛИК РАМЗИ

Кун сайин ривожланиб, халқаро миқёсдаги мавқеини мустаҳкамлаб бораётган Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи ҳар бир ватандошимиз учун жоноҳон мадҳиямиз азиз ва табарруқдир. "Давлатимиз раъзи сифатида мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафига, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштирди. Ушбу раъзи эъзозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ҳурматини мустаҳкамлаш демакдир", деган эди давлатимиз раҳбари.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, герби ва мадҳияси давлат мустақиллигининг рамзлари ҳисобланади. Шу сабабли, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг Маълумий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга алоҳида тўхталиш жоиз. Чунки, мазкур Қонун билан давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига халқаро ҳуқуқ нормалари, чет эл тажрибаси ҳамда амалдаги қонунчилик ва амалиётни ҳар томонлама ҳисобга олиб, таҳлил қилган ҳолда муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчидан, амалиёт ҳамда ҳозирги тажрибани ҳисобга олган ҳолда Давлат мадҳияси ижро этилиши лозим бўлган ҳолатлар ҳам аниқлаштирилди ва тўлдирилди. Жумладан, илгари Қонунда Давлат

мадҳияси ижро этилиши лозим бўлган бешта ҳолат белгиланган бўлса, янги тартибга мувофиқ улар ўнтага етказилди. (Қонуннинг 3-моддаси). Яъни, Ўзбекистон Республикаси Президентини лавозимига киришиш чоғида — у қасамёд қабул қилганидан сўнг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сессиялари ва Олий Мажлис Сенати ялпи мажлислари очилиши ҳамда ёпилиши чоғида, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида янги ўқув йили бошланиши ва ўқув йили тугаши маросимлари чоғида, спорт майдонларида — Ўзбекистон Республикаси чемпионатларини, миллий терма жамоалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда ушбу мусобақалар ғолиблари бўлган терма жамоамиз вакиллари мукофотлаш маросимларида Давлат мадҳияси ижро этилиши қўшимча сифатида киритилди.

(Давоми 3-бетда).

ТЕНГҚУРЛАРИМГА



Имконлар эшигин очмоқда ҳаёт,
Биз туйғайли юртининг эртаси обод.
Ўзбегим байроғин кўтариб азот,
Жаҳон пештоқига дадил илайлик.

Келажак қасрига қўйиб пойдевор,
Бунёдкорлар ичра, — дейлик, — биз ҳам бор!
Навқирон авлодмиз — парвозга тайёр,
Ватан учун буюк ишлар қилайлик.

Ўн саккиз ёшдамиз — орзулар ёши,
Ҳуқуқлар бир одам, аввали боши —
Ҳавас қилинг, энди биз ҳам сайловчи,
Истиқбол учун илк бор овоз берайлик!

Нигора ЭРҒАШЕВА,
Бекобод тумани қишлоқ ҳўжалик
касб-хунар коллежи ўқувчиси.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



сий партияларга дастурий мақсадларини амалга оширишга кенг имконият ва қулайликлар бери. Ушбу муҳим ҳужжатнинг ижроси, шубҳасиз, энг аввало, парламент ҳамда жойлардаги вакиллик органларига кўпроқ ўз номзодларини ўтказишни ва ҳар бир сиёсий партиядан сайловларда фаол иштирок этишни талаб қилади.

Мамлакатимизда сиёсий партияларнинг эркин фаолияти учун яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланаётган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясида кўрсатилган номзодлар мазкур сиёсий жараёнда партия сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда ҳаётини дастури билан иштирок этимоқда. Партиянинг дастурий мақсадлари ҳар доим кучли ижтимоий йўналиши билан ажралиб турган. Ижтимоий адолат, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган аниқ сазй-ҳаракатлар бундан кейин ҳам бизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Биз, партия вакиллари мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишни, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва аъёналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитишни, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб этиш ва аҳоли онига сингдиришни, ушбу ғоя воситасида халқни Ватан тараққиётига, демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган бунёдкорлик фаолиятига сафарбар этишни асосий мақсадимиз, деб биламиз.

Сайловолди дастуриимизнинг асосий ғояси давлат ва жамиятнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож аҳоли қатламлари манфаатини ҳар томонлама ўрганиш ва ҳимоялашга қаратилган билан бошқа сиёсий партияларнинг қарашларидан фарқ қилади. Шу боис, давлат ва жамиятнинг ижтимоий қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатламларини муҳофаза этиш билан шугullanuvchi бюджет ташкилотлари ҳодимлари, ижтимоий соҳа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиши устувор вазифамиз, деб ҳисоблаймиз.

МАҚСАДИМИЗ — КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ ЮРИТИШ



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва демократик янгиланиш жараёнлари натижаларини ўз ҳаётимизда, ҳудудларнинг ривожланишида, ҳар қадмда юз бераётган ўзгаришларда кўриб турибмиз. Ўзбекистон аҳоли турмуш даражаси юксак ривожланган демократик давлатлар қаторига қўшилиш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашни стратегик йўналиш сифатида белгилаб олганидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси шу жараёнларда фаол иштирок этишни ўз бурчи, деб ҳисоблайди.

**Арофат
ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Отабек МУТАЛОВ,
Шухрат РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Халқ
демократик партияси
аъзолари.**

Сайёра СУЛАЙМОНОВА,
Шунқор УМИРЗОҚОВ,
Шавкат КОМИЛОВ,
Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар ҳаракати
— Ўзбекистон Либерал-
демократик партияси
аъзолари

Айни пайтда биз ижтимоий-иқтисодий масалаларни факат давлат ҳокимияти органларининг савй-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмади, деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли ҳодимлар ва иш беворчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ҳодимларнинг меҳнат шак-

Наргиза КАЙОМОВА,
Турсуной КАЗАКОВА,
Умид ШОУМАРОВ,
Ўзбекистон "Адолат"
социал-демократик
партияси аъзолари

маклашиш сиёсий соҳадаги асосий вази-
фамиз сифатида бел-
гиланди. Партиямиз
учун энг муҳим – мил-
лий ўзликни англаш

**Элдор ТЎЛАКОВ,
Фазлиддин ЮНУСОВ,
Малика ҚОДИРХОНОВА,
Ўзбекистон Миллий
тикланиш демократик
партияси аъзолари.**

Ҳам билан иҷтимоӣ ҳимояга оид вазифаларни давлат бюджети маблағлари ҳисобига ҳал қилиш лозим, деган фикрдан йироқмиз. Ақинча, мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолининг иқтисодий фоллиги ва ташаббускорлигини рағбатлантирувчи иҷтимоӣ қўллаб-қувватлаш тизимини ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз. Яъни, давлат ва жамият томонидан кўрсатилаётган ижти

ти таъминлашга доир қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси устидан самарали парламент, депутат ва жамоатчилик назоратини олиб бориш масаласига доимий эътибор қаратиш талаб қилинади.

Биз сайловолди дастуриимизда илгари сурилган ғояларга қатъий ишонамиз. Шунинг учун партия-миз келгусида аҳоли бандлиги ва янги иш ўринлари яратиш дастурларининг асосий параметрларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиб, жойлардаги ижроси устидан самарали парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини давом эттиради.

Сайловолди дастуриимизда баён этилган мақсад ва вазифаларимиз, сиёсий қарашларимиз ва мақсадларимизга қўшиладиган ҳамюртларимиз сайловларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ижтимоий самарадорлигини янада кучайтиришга салмоқли ҳисса қўшишга бел боғлаган номзодларимизни қўллаб-қувватлашларидан умид-вормиз.

**Арофат
ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Отабек МУТАЛОВ,
Шухрат РАХИМОВ,
Ўзбекистон Халқ
демократик партияси
аъзолари.**

Таълим тизими

ЎҚУВ ЖАРАЁНЛАРИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Бекобод шаҳридаги 16-мактаб мустақам моддий-техник базаси, изланувчан, фидойи ўқитувчилари билан танилган нуфузли таълим муассасаларидан. Шу боис Халқ таъ-

лими вазирлиги 2014-2015 ўқув йилида вилоятдаги таъриба-синов ишлари учун таянч мактаби сифатида тандаб олган бешта умумтаълим мактабларидан биридир.



Мактабда давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳаларини таъриба-синовдан ўтказиш бўйича 2014 йил 2 сентябрдан бошлаб таъриба-синов ишлари олиб борилмоқда. Бундан мақсад – ўқувчилар давлат таълим стандартлари бўйича билим, малака ва кўникмага эга бўлишлари билан бирга бошқаларга тушунтира олиш, зарур ахборотларни излаб топиш ва таҳлил қила билиш, кўникма ва малакаларни кундалик ҳаётда учрайдиган муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш маҳоратини шакллантиришдан иборатдир.

Янги ўқув йилидан ўқувчиларда кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари лойиҳалари бўйича умумий ўрта таълим муассасаларида битта синфда бир нечта фандан таъриба-синов ўтказишни тақомиллаштириш тавсия этилган. Шунга мувофиқ, 16-умумтаълим мактабда 1-, 4-синфларда она тили, ўқиш, математика, табиат, одобнома, меҳнат, 5-,

9-синфларда она тили, адабиёт, математика, зоология, биология, кимё, одам ва унинг саломатлиги, давлат ва ҳуқуқ асослари, Ватан туйғуси, меҳнат таълими фанлари бўйича таъриба-синов ўтказилмоқда. Бу ишни белгиланган фанлар бўйича энг таърибали, ўз фанининг билимдон бўлган моҳир ўқитувчилар олиб боришмоқда. Мактабда таъриба-синовини мувофиқлаштирувчи гуруҳ тuzилган. Республика Таълим маркази

вазифаси бизнинг зиммамаизга юклатилган, – дейди кимё фани ўқитувчиси Гүлчехра Туронова. – Шунга кўра, дастлабки кундалик кузатувларим асосида айрим хулосаларни билдирмоқчиман. Жумладан, 8-синфда "Анорганик моддаларнинг энг муҳим синфлар орасидаги генетик боғланиши" мавзусини бир соатда ўзлаштиришда ўқувчилар бир мунча қийналишди. Бу мавзуга икки соат вақт ажратилса яхши бўларди. Аксинча, "Атом электрон қаватларининг тузилиши" ва "Энергетик поғоначалар" мавзулари учун икки соат ажратилгани ҳолда бир соатда ўқувчилар яхши ўзлаштириб олишди.

Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Нилуфар Уролова 6-синфда "Ўзлик ва мажбул нисбат" мавзуси бироз қийинчилик туғдиргани, бунда "Т" схемасидан фойдалангани хусусида гапирди. Худойберди Тўхтабоевнинг "Сарик девни миниб" асарини ўзлаштириш учун "Ҳошимжон қандай бола?" мавзусида баҳс-мунозара ўтказиб, Венн диаграммасидан фойдалангани ҳам ўз самарасини берди. Ўқувчилар Ҳошимжоннинг ижобий ва салбий сифатларини топишлари учун асарни қайта ўқиб

Бугун – Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

МУСТАҚИЛЛИК РАМЗИ

Иккинчидан, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилганда, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни ўнг қўл кафтини кўракнинг чап томонига қўйиб, ҳарбий ёки давлатнинг бошқа хизматчиси маҳсул кийимдаги шахслар эса, қўлини бош кийимига қўйиб тинглаши, агар Давлат мадҳияси Давлат байроғи қўрилиши билан бирга ижро этилса, ҳозир бўлган кишилар унга юз буриши лозимлиги аниқдан белгиланди.

Учинчидан, киритилган ўзгаришларнинг яна бир эътиборли жиҳати шуки, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунлар ижросини назорат қиладиган давлат органлари аниқ белгиланди. Хусусан, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилишини назорат қилиш ички ишлар органларига юклатилди.

Тўртинчидан, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс Давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жа-

вобгарлиқни назарда тутувчи 2031-модда билан тўлдирildi.

Илгари Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳиясига ҳурматсизлик учун жавобгарлик фақат Жиноят кодексининг 215-моддасида белгиланган эди. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган янги 2031-моддага кўра, энди Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёхуд Давлат мадҳияси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солиш, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин тақор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланган бўлган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ажралиб туради. У ҳар биримизнинг кўнгилмизда кечаётган, Ватан манфаатларига йўғрилган олижаноб туйғуларни тараннум этади, шу эл, жоноҳон Ватанимиз

Мирбаҳодир БАДАЛОВ, профессор.
Мирослом БАДАЛОВ, тадқиқотчи.

Маҳаллийлаштириш дастури – амалда

ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

Жорий йилда Тошкент вилоятидаги ўн учта корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 39 лойиҳа бўйича тайёр маҳсулот, жумладан, бутловчи қисм ва деталлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Президентимиз раҳнамолигида экспортбоп ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, корхоналар ўртасида кооперацияни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 4 февралда қабул қилинган "2014-2016 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ишлаб чиқарувчиларга бир қатор имтиёзлар берилганлиги соҳа ривожига хизмат қилаётди. Техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаётган корхоналарда харидориги, замонавий ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда.

Буни Бўстонлик туманидаги "Lotos gold" Ўзбекистон – Британия қўшма корхонаси мисоллида ҳам кўриш мумкин. Айни пайтда бу ерда маҳаллийлаштириш дастури асосида беш турдаги кир ювиш қукунлари ишлаб чиқарилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида корхонамизда тайёрланган беш минг тоннадан зиёд маҳсулот ички ва ташқи бозордаги доимий mijozларимизга етказиб берилди, – дейди "Lotos gold" раҳбари ўринбосари Улуғбек Қудратов. – Келгусида бу кўрсаткични қайтариб икки баробар ошириш режалаштирилган.

Бир юз ўттиз нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада тайёрланаётган маҳсулотларнинг 60 фоизи маҳаллийлаштирилган. Кейинги йил бу кўрсаткич янада юқори бўлиши кутилмоқда.

Вилоят иқтисодиёт қўшма маъмуриятининг маълум қилишларича, жорий йилнинг ўтган даврида Зангиота, Янгийўл ва Юкори Чирчиқ туманларидаги "Hi-tech kabel", "Neogalen pharm", "Uzgermed pharm" каби корхоналарда 60 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилган. Унинг бир қисми ички бозорга сотилган бўлса, маълум фоизи чет давлатларга экспорт қилинган.

Маҳаллийлаштириш дастури бўйича янги лойиҳалар Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Паркент, Охангарон, Пискент, Бўха, Окўргон ва Қуйи Чирчиқ туманлари ҳамда Олмалик ва Бекобод шаҳарларида ҳам амалга оширилмоқда.

ЎЗА.

Шерзод ТИЛОВБЕРДИЕВ.

Халқаро ҳамкорлик

«JICA» ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛДА

"JICA" Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ташаббуси билан бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Рес-

– Ўзбекистон-Япония муносабатларини кенгайтиришга ҳисса қўшаётган давлат ва жамоат ташкилотлари орасида "JICA" муҳим ўрин тутди, – деди "JICA"нинг лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Одилхон Ҳасанов. – Ваколатхона 1999 йилдан бери мамлакатимиз вазирликлари ва идоралари билан ҳамкорликда илм-фан, таълим, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм, кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик соҳасида ўз лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда.

Дастлаб медиа-тур иштирокчилари Хоразм вилояти Шовот туманидаги 2-умумтаълим мактабида бўлишди. Бу ерда япониялик мутахассис Анзай Юки футбол, теннис, япон рақ-

публикасига медиа-тур ташкил этилди. Тадбирдан кўзланган мақсад – кенг жамоатчиликни ваколатхонанинг Ўзбекистондаги дастурлари ва кўнгилларининг жойлардаги фаолиятлари билан таништириш.

кон очиб, маҳсулотларнинг сотувини йўлга қўйиш.

Кейинги кун журналистлар Қорақалпоғистонга йўл олиб, япониялик кўнгиллар жалб этилган қатор идора ва муассасаларда бўлишди. Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Қорақалпоғистон филиалига кўнгилли ходим сифатида Ито Кёконинг айтишича, Ўзбекистонда турли касалликларнинг олдини олишнинг самарали тизими йўлга қўйилган. Умумтаълим мактабларида ўқитувчи ва тиббиёт ходимлари ёш авлодга зарур маълумотлар бермоқда.

Хурида ТУРСУНБЕКОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Ёнғин хавфсизлиги ойлги

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

ташкил этиб, ёнғин хавфсизлиги қондаларини мунтазам тушунтириб бормоқдалар. Жумладан, Чирчиқ шаҳар ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди қатор амалий машғулот ва ўқув-семинарлар ташкил этиб, фуқаролар бефараҳлигига чек қўйиб, содир бўладиган турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишга ёрдам бераётти.

– Шахримизда ёнғинлар бу йил 12 та қамайд, – дейди Чирчиқ шаҳар 3-ХҲО командири Файрат Усмонов. – Бундан ташқари, кўп қаватли уйларда, ташкилот, корхона ва маҳаллаларда ёнғин хавфсизлиги мавзусида



аҳоли билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги ойлги давомида ХҲО ходимлари ташвиқот ишларини янада қучайтириб,

СУРАТДА: подполковник Файрат Усмонов амалий машғулот пайтида. Даврон АХМАД олган сурат.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

МУКАРРАМ ИСРОИЛОВА.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

ёқароларнинг ўзлари ва ақилларини ёнғинлардан сақлашга фаол ҳисса қўшишга даъват этишлари лозим.

оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши таъкидланган.

Дунёнинг ҳеч бир мамлакатидега учрамайдиган ягона миллий тизим – маҳалла институтини фаолиятида ҳам хотин-қизлар фаолияти йилдан-йилга ошаётди. Ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислигига 1310 нафар аёл сайланди. Халқ ишонч билдирган, ўта маъсулиятли вазифани оғишмай бажараётган аёллар шахду шижоатда ҳеч кимдан қолишмаслигини, оқила ва тадбиркорликда ҳам замонвий қарашларга, ҳам момомерос аналана фазилатларга содиқлигини намоян этишлари.

Аёл соғлом, ҳур фикрли, фаол, ҳақ-ҳуқуқини яхши билидиган бўлса, жамият тарққўли этади, фарзандлар баркамол инсонлар бўлиб

вояга етади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги комиссиялардан бири айнан хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси экани жамиятимиздаги юксалишларга, маънавий барқарорликка хизмат қилади. Маҳаллаларда хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида миллий маънавийликка хос бўлмаган иллатлар, турли экстремистик оқим ва гуруҳлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш, қолаверса, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришдаги ролини қучайтириш маъмур комиссиянинг асосий вазифаларидандир.

Наргиза ҚАЙОМОВА, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви бош мутахассиси.

ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ

Юқорида таъкидлаганимиздек, ёнғинларга кўп ҳолларда болалар сабабчи бўлишади. Шунинг учун уларга ёнғин чиққанда бажарилиши талаб этиладиган тадбирларни қисқа ва лўнда қилиб тушунтириш зарур. Бундан ташқари, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари мактаб-

ларнинг қуйи синф ўқувчилари билан ёнғин хавфсизлиги қондалари, уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида кўргазмалар қуроллар ёрдамида тез-тез учрашув ва суҳбатлар ўтказишлари мақсадга мувофиқдир.

ШУХРАТ МУСАЕВ, 28-ХҲК смена бошлиғи.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузуладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Мировид филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлаш шарт: 20208000104995394001. МФО 01101, ИНН 3023731551. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яқсарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия: RR-0148.

Тошкент вилояти иқтисодий қўллаб-қувватлаш маркази бошқаруви Тошкент вилояти Психологлар ассоциацияси раиси Шоира Исоқова волида муҳтарамаси

РЎЗИБУВИ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти иқтисодий қўллаб-қувватлаш маркази бошқаруви Тошкент вилояти Психологлар ассоциацияси раиси Шоира Исоқова волида муҳтарамаси

РЎЗИБУВИ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти иқтисодий қўллаб-қувватлаш маркази бошқаруви Тошкент вилояти Психологлар ассоциацияси раиси Шоира Исоқова волида муҳтарамаси

РЎЗИБУВИ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти иқтисодий қўллаб-қувватлаш маркази бошқаруви Тошкент вилояти Психологлар ассоциацияси раиси Шоира Исоқова волида муҳтарамаси

РЎЗИБУВИ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти иқтисодий қўллаб-қувватлаш маркази бошқаруви Тошкент вилояти Психологлар ассоциацияси раиси Шоира Исоқова волида муҳтарамаси

РЎЗИБУВИ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

